Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

19 сентябрь, жума, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 196 (1713)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 сентябрь куни Эроннинг Афғонистон масалалари бўйича махсус вакили Алоуддин Бўружердийни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари минтақавий хавфсизлик масалаларида Эрон ҳукумати юритаётган сиёсат Ўзбекистон тутган йўлга кўп жиҳатдан яқин эканини таъкидлади.

-- Афғонистон можаросини ҳал этиш бўйича Ўзбекистон киритган таклифларга Эрон раҳбарияти ижобий фикр билдирди, — деди Ислом Каримов. -- Бу ҳар икки мамлакатнинг мазкур можарони ҳал этиш масаласига ёндашуви ўхшаш эканидан далолат беради.

Алоуддин Бўружердий Эрон раҳбариятининг Афғонистон можаросига муносабати ҳақида гапириб, бу муаммонинг ечимини топишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик яхши натижалар беришига умид билдирди. Шунингдек, эронлик меҳмон Ислом Каримовга Президентимизнинг шу йил Теҳронда форс тилида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини тақдим этди.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият, минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон-Эрон муносабатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Эроннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Муҳсин Покойин ҳозир бўлди.

(ЎзА).

*СУРАТДА: қабул пайти.*
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, 17--18 сентябрь кунлари Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Проди расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Р. Продининг ташрифи Ўзбекистон билан Италия ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичини бошлаб беради. Таъбир жоиз бўлса, буни мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ йўналишларга асосланган амалий босқичи, дейиш мумкин. Ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, шунингдек, банклараро ҳамкорлик, коммуникация, агросаноат соҳалари бўйича имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди.



18 сентябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продини расмий кузатиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Проди шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Романо Проди фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шу билан Италия Вазирлар Кенгаши Раиси ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди. Р. Проди Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида кўҳна Самарқандга жўнаб кетди.

* * *

Самарқанд аэропортида меҳмонларни вилоят ҳокими Алишер Мардиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Проди қадимий Самарқанд шаҳридаги бир-биридан мафтункор осори-атиқалар ва тарихий обидаларни ҳайрат билан кўздан кечирар экан, ўзбек халқи ўз тарихий ёдгорликлари, бой маданий меросига юксак эътиборда эканидан мамнуният ҳосил қилганини айтди. Тиллакори мадрасаси саҳнида ташкил этилган халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси ҳамда фольклор-этнографик дасталари ижросидаги концерт дастури ҳам италиялик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу куни Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Проди ватанига жўнаб кетди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: *расмий кузатиш маросими.*

**Р. ШАГАЕВ олган суратлар.**

***18 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.***

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш, бой маданий меросимизни ўрганиш, тарихий ёдгорликларни асраш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш ҳам ана шу тадбирлар сирасига киради. Айниқса, мазкур сананинг нуфузли халқаро ташкилот -- ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳида байрам қилиниши Ўзбекистонни дунёга танитишда яна бир муҳим қадам бўлди. Мажлисда юртимизда ўтадиган юбилей тантаналарига тайёргарлик ишлари асосан туғалланганi, бир қанча меъморий обидалар таъмирлангани, ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани, кўча ва хиёбонлар янада гўзаллашгани қайд этилди.

Бухоро шаҳри ҳокими К. Камолов ва Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Р. Йўлдошевнинг юбилейга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т.Жўраев юбилей кунлари ўтадиган «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси -- учинчи минг йилликка» мавзуидаги халқаро симпозиум ҳамда илмий конференцияларга хорижлик олимларни таклиф қилиш, симпозиум тезисларини тайёрлаш, юбилейга аталган китоблар нашр этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Театрлашган томошаларнинг режиссёрлари Б. Йўлдошев ва Р. Ҳамидов уларда илгари суриладиган -- Бухоро ва Хива инсоният тарихидаги энг буюк шаҳарлардан эканлиги ҳақидаги асосий ғоянинг саҳнадаги ифодаси қандай рўёбга чиқарилиши хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мажлисда тайёргарлик ишларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди, билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Бош вазирнинг ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, Р. Юнусов иштирок этди.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАРИ

Шу йил 18 сентябрь куни тушдан сўнг Ҳайратон шаҳри (Афғонистон Ислом давлати) атрофида Афғонистондаги бир-бирига қарши курашаётган гуруҳлар ўртасида қуролли тўқнашувлар содир бўлди.

У ерда бўлиб ўтган уруш ҳаракатлари чоғида 10 та реактив снаряд Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани ҳудудига тушиб портлади, оқибатда Ўзбекистон Республикасининг уч нафар фуқароси жароҳатланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Ташқи ишлар вазирлиги мазкур ҳодисанинг барча тафсилотларини аниқлаш ва бундай ҳоллар такрорланишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўрмоқда.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА БИРИНЧИ МАРТА

***18 сентябрь куни Чирчиқ ўқув марказида «Марказий Осиё батальони-97» кўп миллатли кучлар иштирокидаги машқларнинг тантанали очилиш маросими бўлди.***



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Марказий Осиё батальони-97» тинчлик ўрнатиш кучлари машқларининг иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-полковник Р. Аҳмедов машқ иштирокчилари ва меҳмонларига табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири номидан машқ иштирокчиларини АҚШ мудофаа вазирининг ўринбосари Кэтрин Кэллахер самимий табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Сўнгра машқда иштирок этаётган мамлакатлар қуролли кучларининг бўлинмалари минбар олдидан тантанавор қадам ташлаб ўтади.

Десантчи жангчилар аэродром теграсини эгаллашга доир машқ вазифасини бажарадилар. Ўзбекистон Ҳарбий-ҳаво кучларининг учувчилари машқ иштирокчилари ва меҳмонлари олдида олий пилотаж санъатини намойиш қиладилар.

НАТО мамлакатлари ва ҳамкор давлатларнинг «Марказий Осиё батальони-97» қўшма дала машқлари НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилмоқда. Машқларда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, АҚШ, Туркия, Грузия, Россия ва Латвия қуролли кучларининг бўлинмалари иштирок этмоқда. Дания, Литва, Эстония, Украина ва Туркманистон қуролли кучларининг вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

Машқлардан кўзда тутилган мақсад тинчлик ўрнатиш операцияларини ўтказиш чоғида «Марказий Осиё батальони»нинг кўп миллатли кучлар бўлинмалари билан ўзаро алоқаларини пишиқтиришдан иборат.

Режалаштирилаётган вазифалар орасида бир қанча мураккаб жанговар-машқ вазифаларини ишлаб чиқиш ҳам мавжуд. Инсонпарварлик юкларини етказиб бериш, гаровдагиларни озод қилиш, тинчлик ўрнатиш батальони жанговар техникаси ҳамда қуролларини ўрганиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси Б. Наимов, машқда иштирок этаётган мамлакатлар ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари, бир қанча хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА)



## СУРЪАТГА ҚАНОТ

Ўрта Чирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигининг Т. Бажаков бошлиқ бригадаси далаларига дастлабки терим агрегатлари олиб чиқилди. Бу билан вилоятда илк бор машина теримига киришилди.

«Наманган -- 77» навли ғўза ниҳоллари қийғос очилган. Деҳқоннинг эрта кўкламданоқ самарали меҳнат қилгани шундоққина сезилиб турибди. Дастлабки тўртта агрегат билан терилган ҳосил хўжаликнинг кунлик терим суръатига анчамунча «тузатиш» киритди. Эрта-индин вилоятдаги бошқа хўжаликларда ҳам ҳосил оммавий равишда машинада терила бошланади.

Вилоят хўжаликларида қўл терими иштирокчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётир. Вилоят ҳокимлигининг бу йилги мавсумни тез ва сифатли якунлаш юзасидан ишлаб чиққан чора-тадбирларига мувофиқ хўжаликларда теримчилар ҳар беш кунда меҳнат ҳақи олишаяпти.

**Ш. КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● *«ПАХТА-97»*

## КУЗ КУТИБ ТУРМАЙДИ

***Республикамиздаги барча пахтачилик хўжаликларининг далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа уни нест-нобуд қилмасдан, тез ва соз йиғиштириб олишдан иборат.***

Бу йилги деҳқончилик шароитида пахта ҳосилининг ҳар қачонгидан эрта -- 20-25 кун аввал пишиб етилгани, таъбир жоиз бўлса, янги усул -- чигитни плёнка остига экишнинг шарофатидир. Бу усулнинг яна бир афзаллиги шуки, ҳосилдорлик гектар ҳисобига 10-15 центнер ошгани ҳолда толанинг текис ва пишиқ бўлиши кузатилмоқда. Йиғим-теримни Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этиб, кўзланган марра сари дадил одимлаётган Хоразм, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари пахтакорлари буни амалда исботламоқдалар.

Аммо даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб деганларидек, йиғим-терим суръатини ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Бунда, айниқса, машина теримини яхши йўлга қўйиш, дефолиацияни қисқа фурсатларда якунлаш муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, мана шу муҳим юмуш ҳамма жойда ҳам рисоладагидек ташкил этилган, деб бўлмайди. Мисолларга мурожаат этайлик. Жорий йилда республикамизда 1 миллион 3 минг гектар майдондаги ғўза баргини сунъий тўктириш режалаштирилган. 18 сентябрга қадар атиги 808 минг гектардаги ғўза дефолиация қилинди. Бошқача айтганда, топшириқ 62,2 фоизга уддаланди, холос. Бундай қолоқликнинг сабаби нимада? Бир пайтлар ушбу соҳада ўзига хос мактаб яратган Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Навоий вилоятлари бу борада нега орқада қолаяпти? Жавоб битта: жойлардаги мутасаддилар машина теримини тезлаштириш ишига панжа орасидан қарашмоқда.

Энди пахта йиғим-териминин бориши ҳақидаги маълумотга назар соладиган бўлсак, ҳозиргача республикамизда (18 сентябрь ҳолатига кўра) 852 минг тоннадан ортиқ хирмон уюлди. Ушбу кўрсаткич йиллик режанинг 21,31 фоизини ташкил қилади. Бу йилги мавсумда Хоразм вилояти деҳқонлари карвонбошилик қилмоқдалар. 18 сентябргача улар 153,8 минг тонна ҳосилни саранжомлаб, давлат буюртмасини 53,07 фоиз бажардилар. Бу вилоятда йиллик маррани забт этиб, мажбурият ҳисобига пахта топшираётган жамоа хўжаликлари сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Бироқ сентябрь ойининг ярми ўтган бўлса-да, Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Навоий вилоятларида йиғим-терим ниҳоятда суст олиб борилмоқда. Айниқса, Жиззах вилоятида бугунгача ҳатто ўтган йилги кўрсаткичларга эришилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ерда 18 сентябрга қадар 4,1фоиз миқдорида пахта тайёрланиб, бор-йўғи 10 минг тонналик хирмон уйилган.

Мавсум лоқайдликни кечирмайди. Устига-устак, кузнинг охири қандай келиши номаълум. Шунинг учун ғанимат дамлардан унумли фойдаланиш, бор куч ва техникани жалб қилган ҳолда далалардаги ҳосилни тез ва соз саранжонлаб олиш шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Зеро, бугунги кунда кузнинг илиқ-иссиқ кунларидан унумли фойдаланиб, терим суръатини жадаллаштирган ҳолда қимматбаҳо саноат хомашёси -- пахтани нест-нобуд қилмасдан, тез кунда йиғиштириб олган деҳқон икки томонлама ютади: ҳам мўмай даромад олади, ҳам келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади. Ғанимат дамларнинг қадрига етмаганлар эса пировардида эл-юрт олдида юзлари шувут бўлиб қолишини унутмасинлар.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Навоий вилояти:*

## ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ





## ХАЗИНАЛАР МАКОНИ

**Б. Ҳамдамов,**
**Навоий шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиги тарих учун ғоятда қисқа фурсат. Бироқ, ана шу қисқа муддат ичида мамлакат салмоғи ўн йилларга татийдиган улкан йўлни босиб ўтди.

Ўзбекистонда юз бераётган иқтисодий ислоҳотларнинг муқаррар олға босаётган шижоатини бугун ҳеч ким, ҳатто энг қитмир одам ҳам инкор эта олмайди. Республикамиздаги навқирон индустриал марказлардан бўлган Навоий шаҳрининг бугунги ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши умуммамлакатда юз бераётган ана шу улуғвор жараённинг таркибий бир қисмидир.

«Ҳаёт тўлақонли бўлса, демак, умр ҳам узоқ бўлади. Уни вақт билан эмас, балки фаолият билан ўлчайлик», -- деган эди ўз вақтида қадимги файласуф Сенека. Бу сўзларнинг исботи учун бир неча факт ва рақамларни келтираман. Жорий йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида шаҳарнинг саноат корхоналари ҳозирги нархлар билан 8,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўтган йилнинг шу муддатидаги нархлар билан қиёслаганда ўсиш суръати 111,1 фоизни ташкил этади. Саноат ишлаб чиқаришида нодавлат секторнинг улуши 42 фоизга кўтарилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 2,08 миллиард сўмга етди, шундан озиқ- овқат маҳсулотлари 1,27 миллиард сўмни ташкил этади. Бу қуруқ, аммо улкан моҳиятли рақамлар ортида мамлакатимизда ва хорижда машҳур бўлган кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Электрохимзавод» акциядорлик жамияти, «Қизилқумцемент», Навоий қурилиш бошқармаси ва бошқа корхоналардаги ашёлар, муҳандислар ва раҳбарларнинг фидойиларча қилган меҳнати турибди.

Одамзот донишмандлигининг энг улуғ ҳикматлари ҳамиша содда ва ҳамма учун тушунарли: уй қур, болаларни ўстир, дарахт эк. Бу донолик қурилиш деб аталган бунёдкорлик ишида, айниқса, аниқ ва сезимли бўлиб кўзга ташланади. Шаҳар ҳокимлигининг дастурида қурилиш бежизга энг асосий фаолият йўналиши қилиб белгиланмаган. Хуллас, шу йилнинг 1 августига қадар шаҳарда 1,19 миллиард сўм миқдорида капитал жамғарма ўзлаштирилган. Барча молиявий манбалар эвазига умумий майдони 5,5 минг квадрат метрга тенг ҳажмдаги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мутахассислар кичик ва хусусий корхоналарни образли қилиб, иқтисодиёт «мушаклари» деб таърифлайдилар. Уларнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги бозор эҳтиёжларига тез ва ҳозиржавоб муносабатда бўлишини таъминлайди.

Шаҳарда 700 дан кўпроқ худди шундай корхоналар ва фирмалар бор, жумладан, уларнинг 202 таси шу йилнинг етти ойи ичида пайдо бўлди. Йил бошидан буён кичик корхоналарнинг товар айланиши 328 миллион сўмга етди.

Бу ерда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, савдо хизмати ҳам ўзаро чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, улар менинг назаримда, одамлар кайфиятининг барометри тусини олади.

Ҳукуматимизнинг яқинда қабул қилган «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори буни яна бир карра тасдиқлайди.

Бу муҳим ҳужжатда қўйилган вазифаларни бажариш учун ҳокимнинг қарори билан шаҳардаги 30 та маҳалла ва атрофдаги посёлкаларнинг барча бошлиқлари сафарбар этилган, улар қарорда санаб ўтилган озиқ-овқат маҳсулотларининг жойлардаги савдо нуқталари орқали тарқатилишини назорат остига олдилар. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ишлар ягона мақсадга -- меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилган.

